

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ ТАШҚИ САВДОСИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИ


*М.У.Бобожонов – ТошДШИ магистранти*

*Ушбу мақола Саудия Арабистони ташқи савдоси, унинг динамикаси, асосий жиҳатлари, Саудия Арабистони экспорти, ундаги таркибий ўзгаришлар, ҳам ашёга асосланган экспорт таркибининг салбий жиҳатлари қисқача ёритилган.*

Бугунги кунда жаҳон хўжалиги ривожланишининг муҳим хусусиятларидан бири глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви, алоҳида миллий хўжалик тизимлари ўртасида алоқаларнинг ҳар томонлама кенгайишидан иборатдир. Бундай шароитда шаклланаётган халқаро иқтисодий алоқалар тизими дунёнинг деярли барча мамлакатларини ягона хўжалик механизмига бирлаштириб, айрим миллий хўжаликлар доирасида ҳам, дунё кўламида ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиши учун хизмат қилади. Шу муносабат билан жаҳоннинг бир мамлакатига юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар иккинчи бир мамлакатга таъсир кўрсатиши табиий. Жаҳон хўжалик тизимининг таркибий қисми ҳисобланган Саудия Арабистони ҳам бундан мустасно эмас.

Саудия Арабистонида ёқилғи-энергетика саноати миллий иқтисодиётнинг асосини ташкил этади. Халқаро Валюта Фондининг ҳисоб-китобларига кўра, 2013 йилда Саудия Арабистонида бюджет тушумларининг 80 фоизи ва экспорт миқдорининг 90 фоизи ёқилғи-энергетика саноати ҳиссасига тўғри тўғри келди.

**Саудия Арабистони ташқи савдоси динамикаси<sup>1</sup>**



<sup>1</sup><http://unctadstat.unctad.org>

Саудия Арабистонида ЯИМ ва давлат бюджети шаклланишининг нефть маҳсулотларига боғлиқлиги ушбу мамлакатнинг миллий иқтисодиётини жаҳон нефть ва нефть маҳсулотлари нархларига таъсирчанлигини оширади. Бу эса, истиқбол режаларни ишлаб чиқишда, аҳоли даромадлари ва ижтимоий соҳа ривожланишини башоратлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Саудия ташқи савдосининг энг асосий хусусиятларидан бири ташқи савдо балансида ижобий сальдонинг мавжудлиги ҳисобланади. Хусусан, 2011 йилда Саудия Арабистонининг экспорт ҳажми 364,7 млрд.долларни ташкил этган бўлса, импорти ҳажми 131,7 млрд. долларга тенг бўлди. Бунинг натижасида ташқи савдонинг ижобий сальдоси 233 млрд. долларга тенг бўлди. Бу эса мамлакатга йирик миқдорда молиявий оқимлар кириб келишини таъминлайди.

Саудия ташқи савдосининг яна бир хусусияти экспорт таркибида углеводород ресурсларининг катта улушга эга эканлиги ҳисобланади. Шу муносабат билан бугунги кунда Саудия Арабистони иқтисодий ва ташқи савдо сиёсати нефтьга боғлиқликни пасайтириш ҳамда нефтьдан бошқа тармоқларни ривожлантириш эвазига экспорт таркибини диверсификациялашга қаратилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда Саудия Арабистони экспорти таркибида сезиларли ўзгаришлар юз бермаган. Агар 2005 йилда нефть ва нефть маҳсулотларининг жами экспортдаги улуши 64,31 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 59,6 фоизгача пасайган. Айтилиши вақтда суюлтирилган газнинг экспортдаги улуши 32,76 фоиздан 35 фоизгача ўсган. Саудия Арабистони экспортининг яна бир моддаси – хурмонинг улуши таҳлил қилинаётган давр мобайнида 2,93 фоиздан 3,1 фоизгача ўсган.

### Саудия экспортининг товар таркибидаги ўзгаришлар (%)<sup>2</sup>

|                             | 2005  | 2006  | 2007  | 2008  | 2009  | 2010  | 2011 |
|-----------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|------|
| Хурмо                       | 2,93  | 2,93  | 2,77  | 2,30  | 2,95  | 2,57  | 3,1  |
| Нефть ва нефть маҳсулотлари | 64,31 | 61,31 | 65,33 | 70,07 | 59,37 | 61,76 | 59,6 |
| Суюлтирилган газ            | 32,76 | 32,76 | 31,90 | 27,63 | 37,68 | 35,67 | 35,0 |

Саудия Арабистони экспорти таркибининг бу ҳолатда сақланиб қолиши бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан:

- хом ашё маҳсулотлари қийматида тайёр маҳсулотларга нисбатан кўшилган қиймат салмоғи паст бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашни таъминлашга иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган товарлар таркибида тайёр маҳсулотлар улушини ошириш орқалигина эришиш мумкин;

<sup>2</sup><http://unctadstat.unctad.org>

- жаҳон хом ашё маҳсулотлари бозори конъюнктураси тайёр маҳсулотлар бозоридан фарқли ўлароқ нобарқарор ва унда тебранишлар даражаси юқори ҳисобланади. Бунинг энг асосий сабаби шундаки, хом ашё маҳсулотларининг нарх ва даромадлар бўйича талаб эластиклиги паст. Шу сабабли бу ҳолат макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин;

- хом ашёга асосланган экспорт таркибининг яна бир салбий жиҳати шундан иборатки, жаҳон бозорида хом ашёга бўлган нархлар юқори бўлган шароитда хом ашё экспорт қилувчи мамлакатларда миллий валюта алмашув курсининг қимматлашуви юз беради. Бу эса миллий қайта ишловчи корхоналар рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келади ва инфляция даражаси ошади. Шу муносабат билан Саудия Арабистони ушбу муаммога барҳам бериш мақсадида барқарорлаштириш фондини барпо этиш йўлидан бормоқда. Бу фондлар мамлакатга кириб келаётган “ортиқча” валюталарни жамлаш ва давлат харажат дастурларининг барқарорлигини таъминлаш имконини беради.